

Жаннатдаги дарахтлар олтиндандир



12:03 / 08.12.2018 5581

Абу Хурайрандан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

“Жаннатдаги барча дарахтларнинг танаси олтиндандир”

Термизий ривоят қилган.

Жаннатдаги хурмо дарахти, унинг меваси ва яхшиси ҳақида Ибн Аббос айтадилар: "Жаннат хурмосининг танаси зумраддан, новдаси қизил олтиндандир, барг-япроқлари жаннат аҳли учун ёпинчиқ, уларнинг зеб-зийнату безаклари ҳам хурмонинг новда ва баргларидан. Меваси кўзадай, челақдай бўлиб, сутдан оқ, асалдан ширин ва ёғдан мулойимдир, унда данак бўлмайди".

Ибн Муборак ривоят қилган.

Ибн Зайд ҳадис айтади:

“Бир киши: "Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннатда хурмо борми, чунки мен хурмони яхши кўраман?" деди. "Ҳа, жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, ундаги хурмонинг танаси олтиндан, пастки қисми ҳам олтиндан, шохлари ҳам олтиндан, япроқлари

бутун олам безакларидан гўзал, ғужумлари ҳам олтиндан, поялари ҳам олтиндан, мевалари кўзадан катта, ёғдан юмшоқ ва асалдан лаззатлироқдир", дедилар у зот".

Ибн Ваҳб ривоят қилган.

Абул Фараж ибн Жавзий Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади:

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг қўлимдан ўртаси ковак тахтани олиб: "Эй Жарир, агар жаннатда бу каби тахтани қидирсанг ҳам, топа олмайсан", дедилар. "Мен: "У ерда хурмо ва дарахт йўқми?" дедим. У зот: "Бор, унинг танаси дур ва олтиндан, юқорисида меваси бор", дедилар".

Имом Қуртубийнинг "Тазкира"сидан